

ИСКАНДАР ОБРАЗИ ТАЛҚИНИ: ИРФОН ВА ОРИФЛИК

Зухра Мамадалиева,

Жиззах ДПИ, jspi.uz

Аннотация

Ушбу мақолада Искандар Зулқарнайн образининг келиб чиқиш тарихига назар ташланган. Жумладан, Искандар Зулқарнайн образининг такомилли, унинг Фирдавсийнинг “Шоҳнома”си, Низомий Ганжавийнинг “Искандарномаси”, Амир Хусрав Дехлавийнинг “Ойнаи Искандарий” ҳамда Абдурахмон Жомийнинг “Хирадноами Искандарий” дostonларидаги талқинларига муносабат билдирилган. Шунингдек, ушбу образга Навоий “Садди Искандарий” дostonида талқин этилган ўзига хос муносабати таҳлил этилган. Хусусан, образнинг рамзий ва мажозийлик хусусиятлари ўрганилган. Навоийнинг бу борадаги доҳиёна ижодий маҳорати мисоллар асосида исботланган.

Калит сўзлар: Искандар, Зулқарнайн, “Шоҳнома”, Низомий, “Искандарнома”, Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий, “Хирадноами Искандарий”, Алишер Навоий, “Садди Искандарий”, ҳиммат, комил инсон.

Annotation:

This article looks at the origins of the image of Alexander the Great. In particular, the perfection of the image of Iskandar Zulkarnain, his interpretations of Firdavsi's "Shohnoma", Nizami Ganjavi's "Iskandarnoma", Amir Khusrav Dehlavi's "Mirror of Alexandria" and Abdurahman Jami's "Hiradnoami Iskandariy". Navoi's peculiar attitude to this image, which is interpreted in the epic "Saddi Iskandariy", is also analyzed. In particular, the symbolic and figurative features of the image are studied. Navoi's genius in this regard is proved by examples.

Keywords: Iskandar, Dhu'l-Qarnayn, "Shohnama", Nizami, "Iskandarnoma", Khusrav Dehlavi, Abdurahmon Jami, "Hiradnomai Iskandariy", Alisher Navoi, "Saddi Iskandariy", devotion, perfect man.

Аннотация:

В данной статье рассматриваются истоки образа Искандара Зулкарнайна. В частности, совершенство образа Искандара Зулкарнайна исследуется в интерпретации дастанов «Шохнома» Фирдавси, «Искандарнома» Низами Гянджеви, «Ойинаи Искандари» Амира Хусрава Дехлави и «Хирадномаи Искандарий» Абдурахмана Джами. Также анализируется своеобразное отношение Навои к этому образу, интерпретируемому в его эпосе «Садди Искандарий». В частности, исследовано его символические и образные особенности. Гениальное творческое мастерство Навои в этом отношении подтверждено примерами.

Ключевые слова: Искандар, Зулкарнайн, «Шахнамэ», Низами, «Искандарнома», Хусрав Дехлави, Абдурахмон Джами, «Хирадномаи Искандарий», Алишер Навои, «Садди Искандарий», преданность, совершенный человек.

Хамсачилик мураккаб бадий тафаккур маҳсулидир. Ундаги ҳар бир образ хамсанавислар дунёқараши чиғириғи, қалб призмасидан ўтар экан, ўзгариб, такомиллашиб, янгидан янги қирралари очилиб боради. Айниқса бу жараён бош қаҳрамонлар талқинида янада яққол кўзга ташланади. Бош қаҳрамонларда дostonнавислар ўзларининг идеалларини, орзу-хаёллари ва умидлари мужассамлаштириб борилиши натижасида бу образлар янада юксалади. Мана шундай образлардан бири Искандар (Зулқарнайн)дир.

Искандар ҳақидаги илк маълумот X аср тарихчилари Ҳамза ибн Ҳасан ал-Исфahоний, Динюварий, Табарийлар асарларида, кейинроқ Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» китобида учрайди. Беруний Зулқарнайнни Искандар ибн Филиф (яъни Александр Македонский) дейишларини айтади, Александр ҳақида, унинг туғилиши, Доро билан бўлган

жанги тўғрисида маълумот беради, аммо бу фикрга мутлақо қарши бир қанча маълумотлар ҳақида ҳам тўхталиб, Зулқарнайн Ямандан бўлса керак, деган бошқа тахминни ёқласа-да, тугал фикр билдирмайди.

Искандар илк маротаба Фирдавсийнинг “Шохнома”сида бадий образ сифатида адабиётга кириб келди. У “Шохнома”да Искандарнинг Эронга юриш қилиши, Дородан енгилиши ҳақида ёзар экан, кўпроқ тарихий воқеаларни ифода этди ва Искандарни жаҳонгир шоҳ сифатида тасвирлади. Аммо шу билан биргаликда уни донишманд Арастунинг шогирди, файласуф устозининг сўзи билан иш кўрувчи подшо сифатида ҳам эътироф этади. Фирдавсийнинг “Шохнома”сидаги Искандарга бўлган ижобий муносабат мағлуб халқ – форсларнинг урф-одат ва анъаналарига Александр Македонскийнинг кўрсатган ҳурмати натижасида пайдо бўлган бўлса керак. Бу муносабат Низомийга таъсир ўтказган бўлса-да, унинг “Панж ганж”ига алоҳида асар бўлиб кирган “Шарафнома” ва “Иқболнома” деб номланган икки қисмдан иборат “Искандарнома” достонида биз реал шахс – Александр Македонский тасвирдан анча узоқлашган сиймони кўрамиз.

Достонда Искандар ҳақидаги халқ орасидаги ривоят ва ҳикоятлар асосида образ ҳар томонлама тараққий эттирилди. Яна бир асосий жиҳат – Низомий “Қуръони карим”даги Зулқарнайн образини Искандар билан айнийлаштириб, ўзининг қаҳрамонини Искандар Зулқарнайн деб атади. Достонда Македонскийнинг икки “шоҳ”ли бўрк кийганлиги сабаби уни Зулқарнайн дейишлари асос қилиб олинди.

Натижада, Искандарнинг Доро билан жанг қилгани, юртбосар ва жангарилиги, тадбиркорлиги ва ҳақим устозлар, жумладан, Арастунинг шогирди эканлиги, Равшанак деган гўзал рафиқаси борлиги ҳақидаги мотивлар Александр Македонскийдан, яъжуж-маъжужлар билан жанг қилгани, уларга қарши девор қургани ҳақидаги мотивлар эса “Қуръони карим” оятларидан олинди. Бугина эмас. Искандарнинг Хизр билан бирга тириклик сувини излагани, унинг сартарош билан можароси ҳақидаги халқ

оғзаки ижодиётидаги ривоятларга ҳам мурожаат этилди ва ниҳоятда забардаст идеал бир образ яратилди.

Низомий, Хусрав Деҳлавий ва Жомийлар Искандар ҳақидаги дostonда унинг ва ҳамсухбат ҳакимларнинг донишмандлиги фонида ўзларининг кимматбаҳо фикрларини – илми ҳикматларини ўқувчига тухфа этганлар.

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий ижодида бу образ янада мукаммаллашди ва унга рамзийлик вазифаси ҳам юкланди. Навоий, салафлари Низомий, Хусрав Деҳлавий ва Жомийлар томонидан одил ва жаҳонгир шоҳ, ҳакимлар шогирди, суҳбатдоши ва ўзи ҳам ҳикмат эгаси дея таърифланган бу образнинг янги талқинини – ирфон , яъни илоҳий маърифат соҳиби образини кашф этди.

Искандарни шоҳ ва ҳаким, валий ва набий деб улуғлаган Навоий, асосан унинг шоҳлик ва ҳакимлик хусусиятига асосий эътибор қаратди. Валийлик ва набийлик хусусиятига эса, асар сўнггида Искандарнинг сув ости саёҳатлари тасвиридан сўнг мурожаат этди.

Ҳикмат ҳақида “Ғиёс ул-луғот”да қуйидагича таъриф келтирилади: “Ҳикмат – донолик ва тўғри кирдор кўрсатиш бўлиб, ашё – нарсалар ҳақида баҳс этувчи илм, башарий билимлар мажмуидир” Искандарнинг ҳакимлиги эса, асардаги воқеалар ибтидосидаёқ намоён бўлади. Яъни, Искандарнинг тутинган отаси Файлақус Эрон шоҳи Дорога вассал сифатида бож тўлар эди. Ота ўлимидан кейин тахтга чиққан Искандар юртда бир қанча ислохотлар ўтказди. Солиқларни камайтириб, нафақа ва маошларни оширди. Бир қанча ўлкаларни эгаллади ва ўз қўли остида бирлаштирди. Жаҳон шоҳи деб аталган Дорога бож тўламай қўйди. Унинг элчисига “Доро кўп ҳазина йиғавермасин, барибир бунинг фойдаси йўқ” деган мазмунда жавоб юборди. Бундай “густохона” жавобдан дарғазаб бўлган Доро Искандарни “ғафлатдаги гўдак” деб номлади ва ўз қудратини англатиб қўйиш учун унга чавгон (копток), гўй (човгон таёғи) ва бир халта кунжут бериб юборади ва элчиси орқали шундай дейди:

*Ки гўдаклигинг чунки золибдурур,
Сенга “гўйу чавгон муносибдурур...*

*Кўйуб жаҳл, ўз жонингга раҳм қил,
Сипоҳим ҳисобин шу кунжутча бил”.*¹

Бу билан ва “сен ҳали ёш боласан, чавгон билан гўйни ўйнагин. Менинг аскарларим мана шу кунжутлардай, уларни йўқ қиламан, деб хомтаъма бўлмагин” дейди.

Искандарнинг бу ҳолатга муносабати ва жавоби унинг ёшлигиданок ҳикмат соҳиби – тадбирли ва доно шоҳ эканлигидан далолат беради. У бу “инъом”дан жаҳли чиқмайди, кўрқиб қолмайди ҳам, мусоҳиб ҳақимлар – устозлари билан маслаҳат ҳам қилмайди. Элчининг сўзига ўша заҳотиёқ муносиб жавоб беради. Яъни:

*Чу шоҳ они тутти мусаллам манга,
Ҳамоноки Ҳақ берди олам манга.*

*Буким илгима солди чавгонини,
Мусаллам манга тутти майдонини.*

*Ҳамоно чиқиб мулк майдонидин,
Мени баҳравар қилди чавгонидин.*

*Ки, то мен бу майдонда гўй урғамен,
Самандим қилиб гармпўй урғамен.*

*Манга муждалар етти андин баса,
Ки, мамнунмен ул комрондин баса.*

¹ Алишер Навоий. Садди Искандарий. (Насрий баёни билан) Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – Б 130

*Бу кунжудки ҳам келди андин бу ён,
Анинг доғи рамзини айлай баён:*

*Чу қилмиш сипоҳийга ташибиҳ ани,
Ерур нуктае, ўйла танбиҳ ани.*

*Менинг хайлима келди қушлуқ сазо
Ким, ул қушқа кунжуддин ўлгай гизо».²*

Шоҳ менга эҳсон қилиб, гўй билан човгон юборибди. Бунда ҳам бир махфий ва рамзий маъно бор. Шоҳнинг ер юзига ўхшаши коптокни менга тақдим этиши эса менга оламни беришидир. Доронинг бу чавгонни менинг қўлимга тутқазиши – ўз майдонини менга топширишидир... энди унинг томонидан юборилган мана бу кунжутнинг ҳам рамзини баён айлай. У кунжутларни аскарларини кўплигига ўхшатмоқчи бўлган. Мен бунга ҳам бошқа маъно бераман. Яъни, менинг аскарларим қуш бўлиб, гўё бу кунжутлари у қушларим учун овқатдир.

Ёш подшоҳдан бундай тиниқ ақл самараси бўлган ўткир жавобни эшитган элчи ниҳоятда мулзам бўлади ва “оёғи билан келган бўлса, боши билан чиқиб кетади”.

Искандарнинг бу жавобиеқ устози ҳаками доно Арастуға муносиб шогирд эканлигидан даолат беради.

Искандар шундай илму ҳикмат эгаси ва жаҳонгир подшо бўлишига карамай ҳар қандай ишга киришишдан олдин устози Арасту билан маслаҳатлашади, унга муайян масала юзасидан савол бериб, ҳикмат тинглайди ва у берган таълимдан келиб чиққан ҳолда иш юритади. Бу ҳам унинг ориф инсон эканлигидан дарак беради. Жумладан, дostonдаги биринчи ҳикматда Искандар Арастуға “мақсадга қайси манзил яқинроқ?” деб сўрайди.

² Алишер Навоий. Келтирилган асар. Б.132

Арасту:

***Деди: “Халқни ўзни фард айламак,
Фано йўлида гард айламак”***

Бундай ҳикматларни дoston воқеалари билан боғлиқ бўлгани ҳолда *ирфоний, ахлоқий-таълимий ва кундалик-маиший* мавзуларга бўлиб, таснифлаш мумкин.

Ирфоний мавзулардаги ҳикматлар нисбатан кам бўлиб, куйидагилардир:

Биринчи ҳикматда Искандар устозидан мақсадга қандай етиш мумкинлиги тўғрисида сўрайди.

Арасту унга бу йўлда уч хил тариқ (йўл) борлигини айтиб, аввало, фано йўлида хоку туробга айланган маъқул, деб маслаҳат беради. Бу Навоийнинг орифона йўлга (тариқатга) муносабати ҳисобланади. Арасту манзилга олиб борувчи иккинчи йўл ҳайру эҳсондир дейди. Зеро бу йўлда ҳам меъёр ва ўрин кераклиги ҳақида сўз боради. Учини йўл эса адолат билан ҳукм юрғазиш эканлигини айтади.

Тўртинчи ҳикматда Тангри тақдири ва унга банданинг тадбири ҳақида савол-жавоб бўлади. Арасту Тангри тақдирини мутлақ эканлигини эътироф этиб, бандаси ҳар қанча ҳаракат қилмасин, тақдири азалга қарши ҳеч қандай тадбир қилолмаслигини айтади. Бу жавоб тақдир масаласига, айти пайтда, Навоийнинг муносабатини акс эттиради.

Саккизинчи ҳикматда яхшилик ва ёмонликнинг ажру мукофоти тўғрисида сўз боради. Арасту ҳар бир яхши ва ёмон ишнинг муайян натижаси борлиги ҳақида сўзлайди. Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам инсоннинг ўз амали натижаси эканлигини айтса-да, “кишиларнинг феъл-атвори яратилганда, унинг ичига табиий аҳволининг уруғи ҳам яширинган”, дейди. бу ҳам Навоийнинг қисмат илоҳий ва ўзгармас эканлиги ҳақидаги фикрига ҳамоҳангдир. Ундаги ҳикоятда фарзандини йўқотиб, қаттиқ изтиробга тушган ва уни излаб юрган савдогарнинг бор пулини бир нотаниш асирни кутқариб олишга сарфлагани ва у асир савдогарнинг ўз фарзанди бўлиб

чиққанлиги ҳикоя қилинади. Бу ҳикоятга бағишланган ҳикматда Искандар устози Арастудан яхшилик ва ёмонлик ҳақида сўрайди. Арасту яхшиликка яхшилик, ёмонликка ёмонлик қайтиши муқаррарлиги, бу илоҳий қонуният эканлигини таъкидлайди:

Ки, ҳар ким аён этса яхши қилиз,

Етар яхшиликдин анга яхшилиз.

Ва гар кимсадин зоҳир ўлса ямон,

Кўрар ҳар неким, зоҳир этти ҳамон.³

Ўн иккинчи ҳикматда инсон ва уни ўзининг англаши борасида сўз боради. Искандар устозига “инсон зотида илоҳиёт сири яширинган бўлса-да, ўзидаги бу сирдан беҳабарларнинг ҳайвондан қандай фарқи бор? – деб савол беради. Арасту жавоб беради:

Деди: «Улча бордур ўзида ниҳон,

Билурдин фузунроқдур аҳли жаҳон.⁴

Яъни: *одамзод мана шу жоҳиллигича ҳам билганлардан (балки фаришта ва малойикалардандир) ҳам афзалроқдир.* Бу жавоб ҳам Навоийнинг фикри бўлиб, улуғ мутафаккирнинг инсонни улуғлайдиган гуманистик дунёқарашини акс эттириши билан аҳамиятли.

Достондаги ахлоқий-таълимий мавзудаги ҳикматлар бештани ташкил этиб, бу адолатли ҳукмдор бўлиш учун зарур бўлган маслаҳатлардан иборатдир. Бу борада энг кўп қўлланилган кундалик-маиший мавзудаги масалалар бўлиб, улар олтига ҳикматда ўз аксини топган. Булар Искандарнинг ҳақимлик хусусиятини намойиш этади. Буларнинг биринчиси, назарий ҳикмат (фалсафа, ирфон, яъни тасаввуфий билиш)га тааллуқли савол-жавоблар бўлса, иккинчи ва учинчилари эса амалий ҳикмат (ахлоқ) илмига тегишлидир.

³ Алишер Навоий. Садди Искандарий. (Насрий баёни билан)Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – Б. 286.

⁴ Алишер Навоий. Садди Искандарий. / МАТ. Тошкент: Фан, 2000. Т.11. Б. 403.

Искандарнинг жаҳонгирликка даъвоси – бу унинг ҳикмат ва ирфон йўлига қараб олға юриши, етти иқлим мамлакатларини забт этиши эса бу йўлда зоҳирий илмларни эгаллашидир. Сабаби, Навоий валий зотлар бўлган комил инсонлар ҳақида сўз юритар экан, уларни “зоҳир ва ботин илмидаги” мартабаларини алоҳида-алоҳида зикр этади.⁵ Бу йўлда унга устоз Арасту йўлбошчилик қилади. Арастуни эса фалсафада мантиқ соҳиби дейилар, бу эса унинг шогирди бўлмиш Искандарнинг мантиқий илмларни эгаллашга отланганлигининг яна бир далилидир.

Ботиний, яъни илоҳий илм тасаввуфда илми ладун, илми ҳол, ҳаққул яқийн каби истелоҳлари билан ифодаланади. Навоий бу дostonда илоҳий илмларни етти баҳри муҳит рамзи билан ифодаланини кўраимиз. Яъни, етти иқлимни эгаллаган Искандар энди денгиз сафарига чиқади. Бу йўлда энди унга ирроционал илмлар отаси Сукрот раҳнамолик қилади (У “Фарҳод ва Ширин” дostonида Фарҳоднинг ҳам маслакдаги раҳнамоси эди). Буни биз айни дostonдаги сув истаб денгиз гирдобига бориб қолган ва ўлим наҳангига ем бўлгандан сўнггина сувдан айрилганини билиб қолган балиқлар ҳақидаги ҳикоятда очиқ кўраимиз.

Искандар етти баҳри муҳитни сузиб ўтиш билан чекланмай, шиша сандиқ ясаиб, денгиз ичига тушиб, сув ости дунёсини ўрганади. Демак, Сукротдан илоҳий илмларни эгаллашни ўрганган ориф инсон энди илоҳий илмлар ичига сингиб кетади. Искандар сув остида шу даражада кўп вақт қолиб, мўл илм ўрганадики, натижада сув ости ажойиботлари ўзлари чиқиб, Искандарга ўзлари ҳақида маълумот бера бошлайдилар.

Демак, Искандарнинг биринчи сафарини илм ул-яқийн, иккинчини айн ул-яқийн, учинчи – сув ости дунёсига қилган сафарини эса ҳаққ ул-яқийн деб аташ мумкин. Бу сафар давомида Искандарнинг басират кўзлари тўла очилди, дейди Навоий. Ва у орифлик – валийлик, набийлик даражаларига эришади. Профессор Н.Комиловнинг “Садди Искандарий” дostonи ҳақидаги “Ҳикмат ва ибрат дostonи” номли тадқиқотида орифлик ва ирфон

⁵ Бу ҳақда қаранг: Навоий Алишер. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 2001. Т. 17.

тўғрисидаги қуйидагичи фикрлар мавжуд: “Жалолиддин Даввоний назарийда ирфон билан ҳикмат, ҳаким билан валий, файласуф билан дарвеш моҳияти ўзаро яқин. Айтиш мумкинки, ҳакимда валийлик, валийда ҳакимлик ҳисобланган мавжуд”.⁶ Демак, буюк Навоий комилликнинг икки қутби ҳисобланган ҳакимлик ва орифликни бир образ мисолида гўзал тарзда бирлаштира олган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, “Садди Искандарий” достони зоҳирий маънода жаҳонгир подшо ва донишманд инсон бўлган ҳамда Шарқ мумтоз адабиётида идеал одил шоҳ образини ўзида тажассум этган Искандар ҳақида, унинг жаҳонгирлик достони тарзида ёзилган эса-да, ботиний маъносига кўра ҳаким ва ориф инсоннинг камолотга етиш йўли ҳақидаги рамзий-тасавуфий асардир.

⁶ Комилов Н. Ҳикмат ва ибрат достони./ Хизр чашмаси. Тошкент: Маънавият, 2005.- Б.187.